

Амирзода Шохрух, Мирзо Шохрух, Шохрух мирзо, Хокони саъид, Абу Наср Шохрух баходир султон
(1377-йил 20-август, Самарканд – 1447-йил 19-март, Рай)

Амир Темурнинг 4-ўгли, Темурийлар хукмдори. Ёшлик йиллари Самаркандда ўтган, шу ерда дунёвий ва диний таълим олган. Амир Темур 1390-91-йиллар Дашти Кипчокка ва 1392-йил харбий мамлакатларга 5 йиллик юришлари чогида Шохрухни мамлакатни бошқаришга тайинлаб колдирган. Кўп ўтмай, Амир Темур Шохрухни ўз ёнига чакириб олади ва 17 ёшли Шохрух жанговар харакатларда катнаша бошлайди. Амир Темур уни лашкарнинг манглай ва жувангар қисмларига тайинлайди, кейинрок эса, Самаркандга кайтариб, пойтахтни бошқариб туришни топширади. Амир Темур 1396-йил Шохрухга Хуросон ўлкасини суюрғол қилади ва тегишли кўшин ҳамда элат билан бирга уни ўз мулкига жўнатади. Шохрух Амир Темурнинг 7 йиллик юришида, хусусан, Якин Шаркдаги харбий харакатларда бевосита катнашган, лашкарнинг илгор, манглай, жувангар қисмларини бошқарган; жангларда шахсий дов-юраклик ва махорат намойиш этган. Уни адолатпарвар, раият тинчлигини кўзловчи шахс сифатида билганлар; камалда колган шахарлар ахолиси аксари холларда сулх таклифи билан Шохрухга мурожаат қилганлар ва у ҳам ўз ёрдамини аямаган. Баъзи холларда, Амир Темур Шохрухни лашкарнинг ўғруқ қисмини кўриклашга мутасадди қилган. Шарафуддин Али Яздий “Зафарнома”да ёзишича, Амир Темур хаётининг кейинги йилларида Шохрухнинг давлатдорлик сифатларига алоҳида эътибор берган. Чунончи, Хитойга юриши чогида, салтанат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, харбий ўлкаларни идора этиш каби катта масъулиятни Шохрух зиммасига юклайди ва уни Хуросонда колдиради. Сохибқирон 1391-92-йиллар мўғуллар босқини даврида бутунлай хароб қилинган Банокат шахри ўрнига янги шахар барпо этиб, у ерга атроф ерлардан ахолини кўчириб обод қилади ҳамда уни Шохрухга суюрғол қилади ва бу шахар Шохрухия номи билан шухрат топади. Амир Темур вафотидан сўнг, 1405-йил мартда Шохрух расмий равишда Темурийлар салтанати хукмдори сифатида Хуросон тахтига ўтирди ва ўз номидан хутба ўқитиб, пул (танга) зарб қилдирди. Шохрух хукмдорлигининг дастлабки йилларида Темурийлар салтанатида кучли тарқоқлик юзага келиб, салтанатнинг турли қисмларида яккахокимлик учун кураш бошланиб кетди. Мовароуннахрда Самарканд тахтини Халил Султон эгаллади, Озарбайжон ва Ажам Ироқини Қора Юсуф, Араб Ироқи худудини Султон Ахмад ўз қўлига киритди. Эронзаминда темурий шахзодалар ўзаро низолашардилар, Мозандарон, Балх, Гур ва бошқа вилоятларда ҳам исёнлар юзага келди. Шохрух салтанатда вужудга келган низолар, исёнлар, яккахокимлик учун чиқишларни теран қобиляти, махорати, тафаккури, олиб борган сиёсати туфайли бирин-кетин бостиришга муваффақ бўлди.

Шохрух ўз хукмдорлиги чогида Темурийлар салтанатининг худудий кенглиги, харбий салохияти, кучли иқтисодий мавқеини саклашга интилди. Бунинг учун Мовароуннахр, Эронзамин, Озарбайжонга юришлар қилиб галаба қозонди; 1429-йил Шохрух Озарбайжонда хавфли кучга айланган амир Искандар ибн Қора Юсуф устига деярли бутун салтанати худудидан лашкар йигиб юриш қилади. Салмос чўлида иккала томон ўртасида каттик жанг бўлади; Шохрух ўғиллари Мирзо Бойсунгурни лашкарнинг жувангарини, Иброхим Султонни барангарини бошқаришга белгилайди; Мухаммад

Жўгийни эса ўзига тегишли бўлган гул кисмда колдиради. Шиддатли жангдан сўнг Шохрух лашкари зафар кучади. Шохрух Сейистон ва Бадахшонга лашкар жўнатиб, у ерлардаги исёнларга чек кўяди. 1405-йилдан 7 йил давомида Хоразмни забт этиб турган Дашти Кипчок амирларига карши Шохрух катта лашкар жўнатади ва голиб келиб, Хоразмни Темурийлар салтанати таркибига киритади ҳамда вилоятни бошқаришга саркарда амир Шохмаликни белгилайди. Шохрух кўпгина низоларни сулх йўли билан бартараф қилган ва бунда таникли давлат арбоблари ва шайхлар хизматидан кенг фойдаланган. Умуман, Шохрух хукмронлиги даврида шарқда Мўғулистондан тортиб гарбда Миср ва Рум ерларигача, жанубда Хиндистоннинг марказий қисмидан бошлаб шимолдан то Дашти Кипчок чегараларигача бўлган жойлар Темурийлар салтанати таркибига кирган.

Салтанатни суюрғол тизими бўйича бошқарган; мамлакат худудини ўгиллари, неваралари, қариндошлари, хизмат кўрсатган садокатли амирларига суюрғол қилиб берган. Тарихчи Хофиз Абрунинг “Зубдат ат-таворих” асарида ёзилишича, Шохрух 1443- йил Миср подшосига элчи йўллаб Каъба уйига ёпинчик қийгазишни сўрайди ва розилик олади. Шу асосда 1444-1445-йил қаъбапўш тайёрлатиб, уни шайх Нуриддин Мухаммад ал-Муршидий ва мавлоно Шамсиддин Мухаммад Абхарий воситасида Маккага жўнатади; улар қаъбапўшни муқаддас Каъба уйига ёпиб қайтадилар. Шохрух подшоҳлик девонида кундалик ишларни доим назорат қилиб борган; қарорлар қабул қилишда кенгаш ва маслаҳатга кенг ўрин ажратган, кўпчилик фикрини инобатга олган ҳолда адолатли ҳукмлар чиқарган. Шунингдек, девонда диний ва дунёвий масалалар юзасидан етук алломалар иштирокида суҳбатлар, фикх, тиб, нуҷум, география, тилшунослик ва бошқа фан соҳалари бўйича баҳс-мунозаралар ташқил қилган, ўзи ҳам уларда фаол қатнашган. Шохрух салтанати худудидида бунёдкорлик фаолияти учун катта имқониятлар юзага келди. Шаҳарсозлик, ҳунармандчилик, савдо, дехқончилик, илм-фан, маданият тез суръатлар билан ривожланди. Шохрух бунёдкорлик ишларига, хусусан, шаҳарлар ободончилиги ва сугориш тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратиб Хирот (1405-йил), Балх (1407-йил) шаҳарларини тиклашга олий фармон берган. Чингизхон юриши чоғида хароб қилинган (1220-йил) Марв шаҳрини қайта барпо этилиб, унга Мурғоб дарёсидан ариқ қаздириб сув келтирилди. Сугориш тизими яхшиланди, янги ерлар ўзлаштирилди, экин майдонлари кенгайди. Шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо ривожланди, кўплаб маданий-маънавий муассасалар - мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар қурилди. Шохрух илм-фан ривожига алоҳида эътибор берди. Хирот, Самарқанд, Бухоро, Машҳад, Шероз ва бошқа шаҳарларда илм-фан кенг ривож топди. Мовароуннаҳрда Мирзо Улугбек расадхона барпо этиб аниқ фанлар ривожланди; Накшбандия таълимоти ёзма мерос тарзида шаклланди ва шу йўналишда бир қанча асарлар ёзилди. Хирот ва Шероз шаҳарларида тарихнависликка катта эътибор қаратилди. Амир Темур ва темурийлар тарихига оид бир қанча йирик асарлар яратилди. Темурийлар салтанатида китобат ва миниатюра санъати юксалди. Хиротда Мирзо Бойсунгур ва Шерозда Иброҳим Султон бу соҳаларнинг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Шохрух хукмронлиги даврида Темурийлар салтанатининг халқаро микёсдаги нуфузи ортди; давлатлар ўртасидаги элчилик муносабатларига Шохрух жуда катта эътибор берган. Унинг ҳузурига Хитой, Хиндистон, Миср, Шом, Рум, Европа, Дашти Кипчок хукмдорларидан элчилар келгани ва Шохрух ҳам ўз элчиларини жўнатгани хақида Темурийлар даври тарихий манбаларида маълумотлар қайд этилган ва иккита элчилик хақида муқаммал кундалик ҳам ёзилган. 1419-1422-йиллар Хитойга бориб келган сафар

хотиротлари, унда бевосита катнашган Гиёсиддин Наккошнинг кундалиги ҳамда 1442-1444-йиллар Жанубий Хиндистонга бориб кайтган элчиларнинг сафар тафсилотлари, уни бошқарган Абдураззок Самаркандийнинг сафарномасида акс этган. Шохрухнинг элчилар воситасида йўллаган мактубларида савдо йўллари хавф-сизлигини таъминлаш ва халқаро савдо-сотикни ривожлантириш алоҳида таъкидланган. Буюк ипак йўли орқали савдо ва элчилик қарвонлари мунтазам катнаб турган. Шохрух ўзининг халқаро сиёсатида давлатлараро тинч-тотувлик ва дўстона муносабатлар таъминланишини устувор йўналиш деб билган. Шохрухнинг давлатчилик сиёсатида бунёдкорлик ишларига катта эътибори натижасида илм-фан ва маданият ривожига ўзига хос уйғониш (ренессанс) бўлди ва бу XV асрнинг 2-ярмида Алишер Навоий даврида Хуросонда илм-фаннинг юксак ривожланиши учун замин яратди.